Фармон ва ижро

# ИШ ЖАДАЛ КЕТМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилган қарори давлатимизнинг кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошираётганлигининг навбатдаги далилидир.***

***Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг шаҳар бошқармаси бошлиғи Адҳам Ҳайдаров ушбу ҳужжатлардаги қоидаларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлари ҳақида ҳикоя қилади.***

— 1996 йилнинг январь ойи мобайнида Халқ банки муассасалари омонатчиларнинг 1992 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган шахсий ҳисоб варақаларини инвентаризациялаш (қайтадан кўриб чиқиш) бўйича катта ишлар қилишди. Тошкент шаҳри бўйича бундай ҳисоб варақалари 1 миллиондан ортиқ бўлиб, уларнинг индексация миқдори 8,5 миллиард сўмни ташкил этди.

Маълумки, Фармонда махсус «Индексация» дафтарчаларини бериш 1996 йил 1 мартдан бошланиши таъкидланган эди. Банк тизими ходимлари бу чора-тадбирларнинг биринчи босқичини тезкорлик билан якунланганликлари натижасида биз аҳоли билан ишлашни муддатидан олдин — 15 февралдан бошладик.

Ҳозирги кунда бизга келаётган текширув маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, шаҳардаги барча халқ банкларида ишлар уюшқоқлик билан, осойишталик билан, навбатларсиз давом этаяпти. Аҳолига қониқарли хизмат кўрсатиш мақсадида Халқ банкининг барча муассасалари узайтирилган иш жадвали бўйича ишламоқда. Шу кунгача умумий миқдори 1,5 миллиард сўмни ташкил этувчи юз мингтадан ортиқ «Индексация» бўйича омонат дафтарчалари бериб бўлинди.

Аҳолидан якка тартибда тушаётган аризаларни ҳисобга олиб, шуни яна қайта таъкидлаш жоизки, қоидага асосан фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва республика ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар индексациялаш ҳуқуқига эгадирлар. Бунинг учун улар паспорт, яшаш турини, ҳарбий хизматчилар эса тегишли ҳужжатларини кўрсатишлари керак. Далолатнома ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар асосида махсус ҳисоблар очиш ва улар бўйича омонат дафтарчалари беришга йўл қўйилмайди.

Омонатлар бўйича қайта ҳисоблаш мобайнида қарорда кўзда тутилмаган турли баҳсли масалалар келиб чиқиши турган гап. Худди шу мақсадда шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида юридик, банк, молия ва бошқа идоралар вакиллари иштирокида ҳудудий комиссиялар ташкил этилган. Комиссиялар фақатгина жойлардаги ишларни бошқариш ва назорат қилишга қаратмасдан, балки фуқароларни ҳам қабул қиладилар. Энг долзарб масалалар ҳар ҳафтада бўладиган мажлисларда аҳоли омонатларини индексациялаш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун жалб этилган барча тегишли хизматлар иштирокида кўриб чиқилади.

Индексацияланган пулларни тўлашга келсак, улар омонатчиларга махсус дафтарчалари бериб бўлинганидан кейин амалга ошира бошланади. Тўлаш босқичма-босқич 10 йил мобайнида 10 фоиз индексация суммасининг миқдоридан бошлаб тўланади. Шунингдек, омонатчиларга шуни тушунтириш кераккки, «Сўраб олинадиган» ставкалар бўйича омонатлар қолдиғига қўшиладиган фоизлар омонат туридан қатъи назар, ҳар йили қўшиб борилади. Агар сизнинг омонатингиз масалан, муддатли бўлса, унга «Сўраб олинадиган» омонатлар фоизи қўшилади. Дарҳақиқат, шу йил 1 февралдан бошлаб «Сўраб олинадиган» омонатларга ҳар йили 30 фоиз қўшилади. Бу мен ўйлайманки, кўпчилик омонатчиларни қизиқтирса керак, улар индексацияланган пулларини 10 йилдан сўнг олишга қарор қилишлари мумкин. Бу вақтга келиб бу миқдор бир неча баравар ошиши мумкин.

Сўзимнинг охирида омонатчиларимизнинг диққатини индексация бўйича барча ишлар жойларда — банк муассасаларида амалга оширилишига қаратмоқчиман. Фақат қоидада ҳисобга олинмаган мунозарали масалаларни ҳал этиш учун туман комиссияларига мурожаат этиш мумкин. Уларнинг манзилини қуйида маълум қиламиз:

Акмал Икромов тумани — Фарҳод кўчаси, 21. Телефон: 74-16-75.

Бектемир — Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 4. Телефон: 90-35-57.

Миробод — Нукус кўчаси, 18. Телефон: 33-28-24.

Мирзо Улуғбек — Пушкин кўчаси, 122. Телефон: 67-36-86.

Собир Раҳимов — Зиёмов кўчаси, 1. Телефон: 46-66-68, 29-05-96.

Сергели — А. Аҳматова кўчаси, 1. Телефон: 58-27-33.

Ҳамза — Фарғона йўли кўчаси, 21. Телефон: 33-33-72, 93-33-99.

Чилонзор — Халқлар дўстлиги кўчаси, 50. Телефон: 76-85-21, 77-35-65.

Шайхонтоҳур — Усмон Юсупов кўчаси, 3. Телефон: 41-34-22, 41-04-56.

Юнусобод — Амир Темур кўчаси, 72. Телефон: 35-14-95, 35-04-90.

Яккасарой — Муаллимлар кўчаси, 76. Телефон: 55-74-49, 55-74-07.

Шаҳар комиссияси бўйича қизиқтирган барча саволлар билан Халқ банкининг шаҳар бошқармасига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 6. Телефон 45-35-44, 46-66-43.

Элмира ЗАЙНУТДИНОВА ёзиб олди.

Бозор тадбиркорликни ёқтиради

# ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

***Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхонаси тизимига қарашли 1-автокорхона шаҳримиздаги намунали жамоалардан ҳисобланади. Автожамланма ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар даврида ҳам самарали ишларни амалга оширмоқдаки, бу жамоанинг тинимсиз изланишлар олиб бораётганидан далолат беради.***

***Яқинда корхонада яна бир ўзига хос янгилик жорий этилди. Навбатдаги бу кўрик-танлов олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Агар муқаддам ўтказилган кўрик-танловларда ихтирочилар, илғор ҳайдовчилар, машиналарга қайта жон бағишловчи таъмирчи-техниклар қатнашган бўлишса, бу сафар «Кимнинг иш жойи тартибли ва озода» деб номланган мусобақада жамоанинг барча аъзолари иштирок этдилар.***

***Мана шу янгилик муносабати билан биз корхонада бўлиб, унинг ишлари билан яқиндан танишдик.***

Автокорхонада 123 та автобус мавжуд бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш натижасида кунига 90—95 та автобус ўз йўналишлари бўйлаб хизматга чиқарилмоқда. Яқинда маъмурият қарори билан автокорхонада кўп йиллардан бери режа топшириқларини уддалаб, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатаётган, йўл ҳаракати қоидаларига тўла риоя қилиб хавфли тасодифларга йўл қўймаётган 10 кишига янги «Мерседес» автобуси бириктирилди. Бундай илғорлар орасида Ҳасан Тулебоев, Виктор Терновский, Аҳад Қобилов, Аҳмаджон Хўжаев каби ҳайдовчилар бор.

Таъмирлаш-созлаш устахонаси бошлиғи Аваз Шерматов бошчилик қилаётган чилангарлардан 30 киши тунги смена ишини яхши ташкил қилишган. 2 та иситиш майдончасида машиналар навбатма-навбат иситилиб йўналишларга чиқарилмоқда. Чунки айрим машиналарнинг техник қисмлари совуқ кунда ўз хусусиятини бироз бўлсада йўқотади. Тунги созловчилар ҳар сменада 6 — 8 та автомашинани таъмирдан чиқаришаётир. Бу ишларда Миразиз Қосимов, Камол Низомов, Леонид Пушкарёв сингари чилангарлар ташаббус кўрсатаяпти.

Автокорхонада бир неча йилдан бери ўтказилиб келинаётган навбатдаги ўзаро мусобақага яқинда якун ясалди. Шунга кўра Камолиддин Низомов бошлиқ агрегат, Миразиз Қосимов бошлиқ таъмирлаш устахонаси аъзолари 1 — 2-ўринларни эгаллашди. Ғолибларга пул мукофотлари берилди. Бундай усул ишчиларда меҳнатга бўлган қизиқишни янада оширмоқда.

Автокорхонада ўтган 1995 йилда йўловчиларни ташиш режаси ортиғи билан бажарилди. Умумий даромад режадагидан мўл бўлди. Йил давомида 6283,4 ўрнига 7248,1 миллион километр масофа босиб ўтилди.

Бу йилги иқтисодий кўрсаткичлар, ўтган йилдагига нисбатан бир мунча юқори бўлишини икки ойлик натижа кўрсатиб турибди. Бу ютуқларнинг боиси автокорхона маъмуриятининг ишчи кучидан унумли фойдаланиши, шунингдек, йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўя олганидадир. Носоз ва таъмирталаб бўлиб қолган техник жиҳозларни тезда тузатиб, автобусларнинг йўловчилар хизматига доимо шай қилиб қўйилиши ҳам ижобий натижа бермоқда.

Корхонада 12 та созлаш-таъмирлаш цехлари мавжуд бўлиб, унда 112 киши фаол меҳнат қилади. Уларга етук мутахассислар бириктирилган. Камолиддин Низомов, Миразиз Қосимовларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Йўлчи Рустамов, Абдиқодир Мирраҳимов, Мансур Раҳматов сингари чилангарлар эса ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиб ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

Корхонада тажрибали металл йўнувчи Виктор Карпов, пайвандловчи Маҳамат Ҳакимовларнинг ишларидан барча ҳайдовчилар мамнун. Уларнинг ёрдамида муҳим эҳтиёт қисмлар қайта таъмирланиб машиналарга ўрнатилмоқда.

Бош муҳандис Раҳматулла Ҳамидуллаев доимо цех ишчилари орасида. У мунтазам таъмирлаш-созлаш сифатини назорат қилиб боради.

Усмон МУҲАМЕДОВ.

***«Ўздонмаҳсулот» давлат ҳиссадорлик корпорациясига қарашли Тошкент технология техникумининг ташкил топганига ярим асрдан ошди. Узоқ йиллик тарихга эга бўлган зиё маскани фаолият кўрсата бошлаган дастлабки чоғларданоқ қўшни республикаларнинг ҳам эҳтиёжини қондириш йўлида беминнат хизмат қила бошлади. Хусусан бу ерда таълим олган юзлаб қардошларимиз ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлиб етишишди. Республикамиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби техникум фаолияти ҳам кенг қулоч ёзиб юксала бошлади.***

Таълим масканларида

# НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРНИ АМАЛДА МУСТАҲКАМЛАБ




— Бизнинг техникум донни қабул қилиш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни етказиб бериш корхоналарига мутахассислар тайёрлайди, — дейди техникум раҳбари Рашид Эргашев. — Ушбу масканимиз ташкил топган дастлабки йилларда донни сақлаш ва донни қайта ишлаш технологияси ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланарди. Ўзбекистон ўз йўли, порлоқ келажагига эга мустақил давлат сифатида бўлгач, энди ўз йўлимизни ўзимиз белгилаш имконини берди.

Республикамиз нурли истиқболи, равнақини кўзлаб халқ хўжалиги тизимини муносиб мутахассислар билан таъминлашга эътибор берилмоқда. Бу соҳада техникумда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда илм масканимизда 6 та бўлим фаолият кўрсатмоқда. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда донни қайта ишлаш корхоналари учун электромеханиклар, бухгалтерлик ҳисоби ҳамда 1995 — 1996 ўқув йилидан бошлаб тижорат фаолияти бўлимлари ташкил этилди. 1994 йилдан бошлаб техникумга талабалар тест усулида танланиб, Ўзбекистон Республикаси давлат тест комиссияси томонидан ўқишга қабул қилинадиган бўлди. Ушбу зиё масканида 500 га яқин кундузги, 400 дан ортиқ сиртқи бўлимда талабалар таҳсил олмоқдалар.

**— Техникум талабаларига яратилган шарт-шароитлар хусусида ҳам тўхталсангиз. Чунки уларнинг ўз соҳалари бўйича чуқур билим олишиб, етук мутахассис бўлиб етишишларида мана шу омиллар жуда муҳим ўрин тутади.**

— Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, ҳукуматимиз томонидан талаба ёшларга алоҳида эътибор, кўплаб ғамхўрликлар кўрсатилаётир. Президентимизнинг Фармони асосида стипендияларнинг оширилиши, бундан ташқари ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалардан келиб ўқиётганларга моддий кўмак бериш мақсадида техникум фонди ва бошқа баъзи манбалардан ёрдам ажратиб борилялпти. Вилоятлардан келганларнинг ҳаммаси ётоқхона билан таъминланган. Ётоқхоналаримизда барча қулайликлар мавжуд. Талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Спорт мажмуи ёшларимиз хизматида. Шунингдек, яқинда сартарошхона ишга туширилди. Катта ўқув-услубий ва бадиий китоблардан иборат кутубхона фаолият кўрсатмоқда.



**— Мураббийлар, шунингдек ўқувчиларнинг чуқур билим олишларида ва амалий машғулотларнинг ўтказилиши йўлида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам сўзласангиз.**

— Ёшларга 30 дан ортиқ олий малакали педагогик жамоа мутахассислик ва умумий таълим бўйича замон талабларига мосланган ҳолда дарс ўтадилар. Малакали мутахассислар етиштириш учун намунали жиҳозланган тажрибахоналар, фан кабинетлари, хом ашё базаси ҳаводек зарур. Барча бўлимлардаги тажрибахона ва фан кабинетлари қайта жиҳозланди. Тижорат фаолияти бўлими очилиши муносабати билан янги лингафон хонаси ташкил этилиб, таъмирдан чиқарилди. Хонани замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш тугалланиш арафасида. Чунки бугунги талабаларимиз эртанги кунда мутахассис сифатида жаҳон бозори талаблари асосида иш юрита билишлари шарт. Бунинг учун албатта инглиз тилини билишлари керак. Электромеханика бўлимида замонавий компьютерлар билан жиҳозланган «Физика-математика» хонаси мавжуд. Унга 30 йил педагогик тажрибага эга Муҳайё Мирзабекова раҳбарлик қилади. Техникумни қайси бўлими бўлмасин албатта, математикани ўқиши, билиши шарт. Чунки ҳаётимиз ҳам математик қонуниятларга асослаб қурилганга ўхшайди. Техникумимизда бундай мураббийлар кўп. Уларнинг кўпчилиги анча йиллардан бери меҳнат қилишади. Доимо янгиликларга интилиб, ўз устиларида тинмай изланадилар.

Амалиёт машғулотларига келсак улар назарий билимларини республикамиздаги энг илғор, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ун заводлари, нон заводлари ва етакчи корхоналарда ўтайдилар.

**— Қилинаётган ишлар талайгина экан, уларнинг ривожи албатта маблағ билан ўлчанади...**



— Гапингизни тушундим. Ишларимизнинг ривожида «Ўздонмаҳсулот» давлат ҳиссадорлик корпорациясига қарашли корхоналар ёрдамини айтиб ўтиш лозим. Лекин, педагогик жамоамиз ҳам қараб ўтиргани йўқ. Техникум ҳудудида иссиқхона мавжуд. Унда лимон етиштириш йўлга қўйилди. 300 килограммгача лимон ҳосили териб олинади. Ундан тушган маблағ техникум ҳисобига ўтказилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек сартарошхонадан озми-кўпми даромад келиб турибди. Шунингдек, техникум ошхонаси бу йилдан бизнинг ихтиёримизга ўтказилди. Тушаётган фойда ҳам техникум ҳисобига келиб тушмоқда. Ана шу йиғилган маблағларга керакли жиҳозлар олиш, таъмирлаш ишларини амалга оширишни йўлга қўйганмиз. Кичик тикув цехи очиш ҳаракатидамиз. Цех ишга тушгач талаба қизларимиз ўқишдан бўш пайтларида ишлаш имкониятига эга бўладилар. Албатта, бундан ҳам талаба, ҳам техникум манфаатдор бўлади.



Доно АҲМЕДОВА.

*СУРАТЛАРДА: техникумнинг умумий кўриниши; она тили ва адабиёт ўқитувчиси Сафура Холназарова дарс ўтмоқда; электромеханика бўлими мудири Муҳайё Мирзабекова; ўқувчилар компьютер сирларидан сабоқ олмоқдалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

Мардлар қўриқлайди Ватанни

## МУҲИМ МАШҒУЛОТ

Саф тайёргарлиги ҳарбий таҳсил ва тарбиянинг асосий ва муҳим машғулотларидан ҳисобланади. У ҳарбий хизматчиларда эпчиллик, ташқи қиёфанинг салобатлилигини таъминлайди, якка ҳолда ва ҳамкорликда ҳаракат қилиш кўникмасини ҳосил этади. Буни капитан Қодир Тожиев хизмат қилаётган қисмда яхши билишади.

Саф тайёргарлиги амалий иш бўлиб ҳар бир ҳаракатни кунт билан ўрганиш, қайта-қайта такрорлаш даркор, мунтазам машқ қилиш зарур. Акс ҳолда бу борада аниқлик, нафосатга эришиб бўлмайди.

Бунга оддий аскар Баҳром Мараимов ҳам ишонч ҳосил қилди. Бундан бир йил олдин ҳеч нарсага қовушмай юрган Баҳром эндиликда ротаси сафида савлат тўкиб туради. Саф тайёргарлик машқлари унга бошлиқлар топшириқларини аниқ ва пухта бажаришда ҳам ёрдам бермоқда.

Виктор КАЛОШИН.

## ДАМ ОЛИШ СОАТИДА

Қисмимизда ҳарбий хизматчиларнинг маданий дам олишлари учун тегишли шароит мавжуд. Назарий машғулотлар тугагач, телевизор кўрамиз, радио, магнитофон эшитамиз, ижтимоий-сиёсий хонада эса газета ва журналларнинг янги сонларини ўқиймиз.

Дам олиш кунлари эса янада кўнгилли ўтади. Спорт мусобақалари ва бошқа қизиқарли тадбирлар ўтказилади. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ёзувчи ва шоирлар, кўзга кўринган санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этилади. Бадиий ҳаваскорларнинг концертлари намойиш этилади.

Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши аскарлар ҳарбий билим ва жанговар техникани пухта эгаллашларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Яқинда шахсий таркибимиз аъзолари учун миллий чолғу асбоблари келтирилди. Бу эса уларнинг маданий дам олишларида қўл келади.

Ҳозир қисмимизда қишки ўқув мавсуми давом этмоқда. Бўлинмамиз аъзолари ўқув мавсумини «аъло» баҳолар билан тугаллашга аҳд қилишган. Мен ҳам улардан ортда қолмасликка интилмоқдаман.

Ўктам АСРОЛОВ, оддий аскар.

## ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

Яқинда Шокир Жўраев командирлик қилаётган бўлинмада саф тайёргарлиги бўйича кўрик бўлиб ўтди. Бундан асосий мақсад янги ўқув йилига аскарларнинг тайёргарлик даражасини текшириш эди. Унга бўлинмадаги барча ҳарбий хизматчилар яхши тайёргарлик кўришди. Зобитлар ва прапоршчиклар, сержантлар ва аскарлар ўқув мавсумининг биринчи кунлариданоқ юксак натижаларга эришиш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Кўрикда катта лейтенантлар Алишер Алижонов ва Шуҳрат Шаймулинлар бўлинмалари энг яхши бўлинмалар қаторидан ўрин олишди. Бунда батарея старшинаси — муддатдан ташқари хизмат старшинаси Абдумалик Холбоевнинг ҳиссаси катта. У ўз хизматдошларига кўп жиҳатдан намуна бўлмоқда. Ўт очиш взводи командири ўринбосари кичик сержант Сирожиддин Дониёров энг яхши кичик командир сифатида тилга олинди. Оддий аскар Улуғбек Шоймардонов ҳам командирликнинг мукофотига сазовор бўлди.

Мана, ўқув йили ҳам бошланиб бўлди. Дастлабки машғулотлардаёқ қилинган меҳнат зое кетмаганлиги маълум бўлди. Шу кунларда қисмда ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун тайёргарлик суръатига суръат қўшиляпти.

Владимир ВИКТОРОВ.

Тежамкор бўлайлик

# ИҚТИСОД ҚИЛСАК ЎЗИМИЗГА ФОЙДА

***Ҳеч бир кунимизни электр энергиясиз тасаввур қила олмаймиз. У фақат хонадонимизни чароғон қилибгина қолмай, балки ишлаб чиқаришларни ҳам тўла қувват билан таъминлайди. Шундай экан, электр энергиясини бекорга сарф қилмай, ундан авайлаб-асраб фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Оқшомхонлардан таҳририятимизга электр энергияси сарфланиши хусусида, унга олдиндан ҳақ тўлаш, қоидалари ҳисобдонларда кўрсатилган рақамларни аниқ ҳисоб-китоб қилиш ҳақидаги саволлар келаётганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасининг энергия таъминот хизмати бошлиғи Шоакбар Жамоловга мурожаат қилдик.***

— Оқшомхонларни юқоридаги саволлар қизиқтираётгани бежиз эмас. Чунки фойдаланилган электр қуввати учун тўланадиган ҳақнинг ошганлиги биринчи навбатда истеъмолчиларимизни тежамкорликка ундайди. Ахир арзон экан, деб баъзи хонадон эгалари эрталабдан кечгача беҳуда электр энергияси сарфланишига йўл қўяётганликлари сир эмас-ку.

**— Шоакбар Яхшибоевич, айтингчи, масалан, мижоз бир йиллик фойдаланадиган электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаб қўйди, дейлик. Бироқ, бу даврда энергия ҳақи яна ошиб қолади. Бундай ҳолларда мижоз ўртадаги тафовутни ўзини тўлайдими ёки ҳисоб-китоб яна қайтадан қилинадими?**

— Масалан, сиз электр энергияси учун ярим ёки бир йил учун олдиндан ҳақ тўлаб қўймоқчисиз. Бунда ҳисоб-китоблар ўртача бир ойда сарфланган электр энергияси ҳисобидан олинади. Йил охирида эса бутқул ҳисоб-китоб электр ҳисоблагич кўрсатувига кўра бажарилади. Агар шу даврда электр энергияси учун ҳақ тўлаш тарифи ўзгариб қолса сиз энергия таъминот хизматига янги тариф бўйича қайта ҳисоблатиш учун охирги тўланган ҳужжатингизни тақдим этишингиз зарур.

**— Ҳамма масалаларда бўлгани каби электр энергиясига ҳақ тўлашда ҳам имтиёзлилар кўплаб учрайди. Борди-ю улар бирон сабаб билан ҳужжатларини қайтадан расмийлаштирмоқчи бўлсалар унда қандай маълумотлар керак бўлади?**

— Биринчи навбатда ўша кишининг яшаш жойида рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат (паспорт), мижозлар дафтарчасига қайд этилган охирги тўлов суммаси, уруш қатнашчиси ёки ногиронлигини тасдиқловчи гувоҳнома, Чернобиль атом электр станцияси фалокати оқибатларини тугаллашда қатнашганлардан эса шу ҳақдаги ҳужжатлар талаб этилади.

Мактаб ўқитувчилари, олий ўқув юрти, коллеж, лицей, ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчилари, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва болалар уйлари тарбиячиларидан ишлаб турган жойларидан маълумотнома талаб этилади. Ушбу ҳужжатлар бир ой мобайнида қонуний кучга киради. Шунингдек, ишламайдиган нафақахўрлар, урушда ҳалок бўлганларнинг оилалари, биринчи гуруҳ кўзи ожизлар тўловлардан озод қилинганлик ҳуқуқини берадиган қайд дафтарчаларини тавсия этадилар.

**— Ҳали ҳам электр ҳисоблагич ўрнатилмаган хонадонлар онда-сонда бўлсада учраб туради. Албатта, бунинг турли сабаблари бор. Хўш, мана шундай ҳолда электр энергияси учун ҳақ тўлаш тартиби қандай олиб борилади? Шу ўринда яна бир нарсани қайд этиб ўтиш лозим. Хусусан хонадон ташқарисида ўрнатилган ҳисоблагичларни ҳам ўғирлаш ҳоллари тез-тез содир бўлиб туради. Шундай тақдирда электр энергиясининг ҳисоботи қай тарзда кечади?**

— Электр ҳисоблагич бўлмаса, ҳокимлик томонидан тасдиқланган вақтинчалик жадвал бўйича турар жой майдони ҳисобга олинган ҳолда энергия сарфиёти қуйидагича аниқланади. Бир хонали хонадон учун бир ойда 110 киловатт-соат юзасидан ҳақ тўланади. Худди шунингдек, икки хонали уй эгалари 150 киловатт-соат, уч хонали хонадон соҳиблари 185 киловатт-соат, тўрт хонадан иборат бўлган уй эгалари 220 киловатт-соат, 5 хонали хонадон учун эса 250 киловатт-соат электр энергия ҳисобидан ҳақ тўланади. Борди-ю эшик ортига ўрнатилган электр ҳисоблагич ўғирланган ҳолда амалдаги қонун-қоидаларга кўра мазкур уй қайси турар жой муассасаси тасарруфида бўлса ўша муассаса жавобгар ҳисобланади.

**— Шундай ҳолнинг олдини олиш учун эшик ортига ўрнатилган ҳисоблагичларни хонадон ичига кўчирса бўлмайдими?**

— Шундай қилиш мумкин. Лекин бу ишни амалга ошириш учун энг аввало турар жой ижара корхонасига мурожаат этиш керак. Улардан рухсат олингандан кейин эса энергия таъминоти нозири чақирилади. У электр ҳисоблагични кўриб тамғалаб қўяди. Бундай юмушни бажаришда сизга 33-82-03 телефони ёрдам бериши мумкин.

**— Шу ўринда яна бир масалани аниқлаб олиш керакка ўхшайди. Хусусан бир оила эгаси кўчиб кетган хонадонга жойлашди дейлик. Уйнинг собиқ эгаси мижозлик дафтарчасини ёки унда электр энергияси учун тўланган ҳақ қайд этилган ҳужжатни қолдирмай кетиб қолган тақдирда янги уй эгаси унинг қарзини тўлаши керакми? Ёки бундай ҳолларда бошқача йўл тутиладими?**

— Бундай вақтда зудлик билан энергия таъминоти хизматига мурожаат этиб ўша уйнинг собиқ эгасидан қолдирган қарзини тўлашни талаб қилиш зарур бўлади. Акс ҳолда эски қарзларни уйнинг янги эгаси тўлашига тўғри келади.

**— Яна бир савол. Ҳозир кўпчилик фуқаролар хусусий корхона очишмоқда. Албатта, бу корхоналарни электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Борди-ю хусусий мулк эгаси янги очилаётган корхонаси учун электр қувватини киритмоқчи бўлса унда кимга мурожаат этиши мумкин?**

— Корхона эгалари шундай пайтларда энергия таъминот хизматига ариза берадилар. Унга қўшимча ҳокимлик томонидан рухсат этилган гувоҳнома ҳам тақдим этилади. Шунга кўра янги корхонага электр ҳисоблагич ўрнатиб берилади. Фойдаланилган электр энергия учун ҳақ амалдаги тарифларга кўра тўлаб борилади.

Умуман ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида ҳар бир ишда тежамкорлик қилиш лозим бўлади. Шунинг учун кўпни кўрган кишилар: «Тежамкорликда хислат кўп», деб бежиз айтишмайди.

Суҳбатдош Бахтиёр АКБАРОВ ва Маҳмуд ОРИПОВ.

Ўзбекистон ва жаҳон

# ЯНГИ ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида «Ўзбекистон—Италия» дўстлик жамиятини тузиш учун жамоатчилик вакиллари ва журналистлар иштирокида таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманни ассоциация раиси Мираҳмад Мирқосимов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон ва Италия ўртасида ҳар томонлама алоқаларнинг тобора ривожланиб бораётганлигини таъкидлади.

— Ўзбек-итальян маданий алоқалари кўп асрлик тарихга эга, — деди у. — Император Адриана даврида (эрамизнинг XI асри) ҳам сарой хонимлари узоқ Мароқанд (Самарқанд)дан Буюк Ипак йўли орқали келтирилган нафис матолардан либос кийганлар. Итальян адабиётининг йирик намояндалари — Данте Алигьери, Жовани Бокаччо, Петрарка, Вергилий ва Жанни Родариларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Таъсис йиғилишида «Совпластитал» қўшма корхонасининг директори А. Мелкумов, «Ўзэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Алимбоев, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг ректори Ж. Бўронов ва бошқалар иштирок этдилар. Шунингдек, анжуманда Италиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Иоланда Брунетти Гоэтц хоним ҳам қатнашиб, дўстлик жамиятининг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяжагини изҳор этди.

Таъсис йиғилишида Тошкент Давлат консерваториясининг ректори Офелия Юсупова «Ўзбекистон — Италия» дўстлик жамиятининг раиси этиб сайланди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

